

БУДДИЗМ ОБИДАЛАРИ БЎЙИЧА ЖОЗИБАДОР ТУРИСТИК МАРШРУТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ ЙЎЛЛАРИ

Садибекова Б.

ТДШУ ўқитувчиси, и.ф.н.

Абдухамидов А.С.

СамИСИ “Туризм” кафедраси мудири, PhD

А.П.Махмудова

СамИСИ “Туризм” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

Аннотация. Мазкур мақолада туризм соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти, туризм турларининг кенгайиши, Буддизм обидалари бўйича жозибадор туристик маршрутлар ишлаб чиқиш йўллари ва масалалари юзасидан фикр мулоҳазалар келтирилган, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: туризм, туризм турлари, буддизм дини, буддизм обидалари, туристик маршрутлар.

WAYS TO DEVELOP ATTRACTIVE TOURIST ROUTES ON BUDDHIST MONUMENTS

Sadibekova B.

Teacher of TDSU, i.f.n.

Abdukhamidov A.S.

PhD, head of department of Tourism, SamIES

A.P. Makhmudova

PhD, senior lecturer of department of Tourism, SamIES

Abstract. In this article, the role and importance of the tourism sector in the economy of our country, the expansion of tourism types, the ways and issues

of developing attractive tourist routes for Buddhist monuments are presented, conclusions and suggestions are developed.

Key words: tourism, types of tourism, Buddhism, Buddhist monuments, tourist routes.

Туризм соҳаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун самарали катализатор вазифасини ўтайди. Шу билан бирга туризмнинг ривожланиши тартибга солинмаса ва режалаштирилмайдиган бўлса, салбий иқтисодий масалалар рўй бериши мумкин. Масалан, товар ва хизматлар импортининг улуши ортиши ёки туристик объект ва хизматларнинг хорижликлар томонидан назорат қилиниши ҳамда бошқарилиши. Бундай ҳолатда хорижий валюта шаклидаги тушумлар миқдори камайиб кетади ва маҳаллий аҳолининг хорижликларга нисбатан норозилик кайфияти шакллана бошлайди.

“Туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатида ўзига хослиги, унинг маҳсулоти муайян турдаги хизматлардан фойдаланишга бериладиган ҳуқуқ бўлиб, бу хизматларнинг ўзи эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида яратилади” [1]. Туризм соҳасининг мамлакат иқтисодиётига кўрсатаётган ижобий таъсири, қачонки у мамлакатда ҳар томонлама ривожлантирилгандагина, яъни хизматлар иқтисодиётига айлантилгандагина амалга оширилади. Умуман олганда, туризм самарадорлиги унинг мамлакатдаги бошқа тармоқлар билан биргаликда ва ўзаро ҳамкорликда ривожланиши зарур.

Туризм соҳаси ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у миллий иқтисодиётнинг барча жабҳаларига амалий таъсир этиб келмоқда. Шу билан бир қаторда, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳам таборо ортиб бормоқда.

Ўзбекистон замонавий туризм индустриясини ривожлантириш учун барча зарур ресурсларга эга. Буюк Ипак йўли устида жойлашган

Ватанамиз қулай табиий-иқлим шароитларига, бой тарихий, маданий меросга ва айна пайтда ҳам ички, ҳам халқаро туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эга. Бугунги кунда дунёвий аҳамиятга молик юзлаб тарихий ёдгорликлар, юртимизда яшаётган халқларнинг маънавий-этник мероси, тоғлар, дашт ва чўлларни ўз ичига олган гўзал ва бетакрор табиати ҳамда замонавий инфратузилма – буларнинг барчаси дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган халқларни Ўзбекистонга жалб қилмоқда.

Аммо, таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг туристик ресурслари ҳали тўлалигича ўрганилгани йўқ. Айрим ҳудудлардаги ресурслар фақатгина маҳаллий аҳолигагина маълумлигича қолмоқда. Шундай экан, уларни янги туристик маршрутлар ишлаб чиқишда фойдаланиш учун ҳар томонлама тадқиқ қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатни модернизациялаш босқичида туризм ва меҳмондўстлик индустрияси соҳасидаги ечимини кутиб турган масалалар қаторида янги йўналишлар бўйича туристик маршрутларни ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб турибди.

Бугунги кунда ҳукуватимиз томонидан туризм соҳасига миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомининг берилиши, унинг истиқболда ривожланишига катта замин яратди. Шу туфайли, юртимиз бўйлаб саёҳат қиладиган маҳаллий ва хорижий туристларга сифатли хизмат кўрсатиш учун яратиладиган туристик маршрутларимизнинг жозибадорлигини ва бу орқали туристик маҳсулотларимизга бўлган туристларнинг қизиқишини ошириш талаб қилинмоқда.

Маршрут - французча *marche* - юриш, олдинга ҳаракат, *route* - йўл, рус тилида ҳам марш - олдинга юриш ҳисобланади. Маршрут сўзи аниқланган, белгиланган йўлни билдиради. Маршрут сўзи фақат туризм соҳасига тегишли эмас балки, инсонларнинг туризм билан боғлиқ бўлмаган

доимий, мунтазам равишда маълум томонга аниқроғи, ўзига маълум географик манзилга ҳаракатланишини ҳам англади.

Маршрутнинг узоқ-яқинлигига қараб инсон ҳаракатланиш воситасини танлайди. Масалан, Самарқанддан Жиззахга борувчи киши албатта автомобил, автобус ёки поезд транспорти турларидан бирини танлайди. У ҳеч қачон Жиззахга самолётда бориш учун ҳаракат ҳам, орзу ҳам қилмайди. Чунки, Самарқанддан Жиззахга самолёт билан бориш маршрути йўқлигини жуда яхши билади. Лекин, Жиззахга велосипед, мотоцикл, арава, от, эшак ёки туя билан ҳам бориш мумкин. Бу транспорт инсоннинг илмий-техника тараққиёти давригача бўлган ҳаракатланишида фойдаланган транспорт хил-ларидир [2].

Энди, туристик маршрут дейилганда бу йўлдан турист мақомини олган яқка инсон ёки инсонлар гуруҳининг туристик фаолиятларда юрадиган, ҳаракатланадиган, маълум бир маконга борадиган ва қайтадиган йўли тушинилади.


Қайд қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, туризмни ривожлантиришнинг муҳим асосларидан бири туристик ресурсларга маршрутлар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Туристик маршрутларни ишлаб чиқишнинг туризм ривожига таъсири назарий жиҳатдан яна бир имкониятга боғлиқ. Бу имкониятлар туризм объектида ва туризм маршрути давомида туристларга хизмат қиладиган инфратузилмаларнинг ҳосил бўлишидир. Туристик ресурсга - объектга туристларнинг келиши бошланганидан маҳаллий аҳолида туристларга хизматлар кўрсатиш истаги пайдо бўлади, туристларнинг нималарга қизиқишини, уларнинг эҳтиёжларини ўргана бошлайди. Шу тариқа туристик объектда ва туристик маршрут бўйлаб ўзига хос бўлган кичик-кичик туристик инфратузилмалар пайдо бўлади.

Туристик маршрутлар яратишнинг яна бир муҳим томони шундаки, туристик маршрутда туристик оқимнинг кучайиши ички туризмда ҳам халқаро туризмда ҳам эллар, халқлар ва миллатлар ўртасида танишув,

дўстлашув, ўзаро ҳамкорлик ришталари ҳосил бўлади. Ҳозирча бундай дўстона алоқалар асосан шаҳарлар аҳолиси билан чет элликлар ўртасида юз бермоқда. Бу ҳолатнинг асосий сабаблари чет эллик туристларни ҳанузгача шаҳарларимиздан ташқаридаги табиат минтақаларига, ландшафтларига, кўриқхоналари ёки сув ҳавзаларига жалб қила олмаганимиздир.

Буддизм обидалари бўйлаб ташкил қилинаётган туристик маршрутларда бир нечта қоидаларга амал қилиниши лозим. Ушбу маршрутга тарихий ва маданий, яъни будда тарихига оид бўлмаган объектларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ эмас, яъни бошқа дин вакиллари ташриф буюрадиган черковлар ва ибодатхоналар (ҳатто ЮНЕСКО таркибига кирган бўлса ҳам) маршрут таркибига киритилмайди, аксинча турнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда объектлар танланади.

Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда туризм” номли статистик тўплами маълумотлари бўйича, бугунги кунда республикамизда 149 дан ортиқ турдаги туристик маршрутлар амал қилмоқда. Мазкур рўйхат, Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси қошидаги “Туризм ўқув-консалтинг маркази” ДУК томонидан ўтказилган Ўзбекистон Республикасида туристик фаолият субъектлари томонидан амалга ошириладиган туристик қатновлар кузатувлари асосида ишлаб чиқилган. Мазкур рўйхат бўйича фаолият кўрсатаётган туристик маршрутларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг туристик салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ўрганилганда қуйидаги натижа келиб чиқди (1-расм).




**1-расм. Ўзбекистоннинг мавжуд туристик маршрутларида
худудлардаги туристик салоҳиятдан фойдаланиш даражаси (%) [3]**

Расмда Ўзбекистон Республикаси статистика кўмитасининг статистик тўпламида келтирилган 149 та туристик маршрутларнинг Республикамиз вилоятларини қамраб олиш даражаси акс этирилган.

Ушбу расм маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган туристик маршрутларимиз анъанавий тарзда ишлаб чиқиладиганлигини, мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларини қамраб олмаганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқилган туристик маршрутларда асосан бугунги кунда туристик марказ сифатида эътироф этиладиган Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари жой олган ва туристик маршрутларни қамраб олиш даражаси мос равишда 149 та туристик маршрутнинг 93,29 %, 68,46%, 67,79% ва 51,01%ни ташкил этмоқда. Андижон (5,37%), Наманган (4,7%), Жиззах (1,34%) вилоятларига деярли туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаётганлиги, Сирдарё вилояти эса умуман четда қоладиганлигини кўришимиз мумкин. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг жанубий қисми яъни Сурхандарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида ҳам туристик маршрутларда фойдаланиш мумкин бўлган, туристик жозибadorликка эга туристик салоҳиятлар мавжуд.

Туризм соҳасининг самарадорлик даражасига таъсир этувчи омиллардан бири бу туристларнинг маълум бир мамлакат ёки минтақада қолиш давомийлиги яъни тур кунлари даражаси ҳисобланади. Тур кунлари сонининг кўпайиши туристик маршрутлар ишлаб чиқиш тамойиллари ва талаблари асосида яратилишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган туристик маршрутларнинг тур кунлари давомийлигини таҳлил қилишимиз натижасида қуйидаги ҳолат аниқланди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган 149 та туристик маршрутларнинг давомийлик вақти

Расм маълумотларида кўриниб турганидек, ишлаб чиқиляётган туристик маршрутларнинг давомийлиги асосан 2 кун 1 тундан 5 кун 4 тунгача 36% ни, 6 кун 5 тундан 10 кун 9 тунгача 29% ни, 11 кун 10 тундан 15 кун 14 тунгача 18 %ни, 16 кун 15 тундан 20 кун 19 тунгача 2%ни ва умуман тунаб қолиш кўзда тутилмаган маршрутлар 15% ни ташкил этиши аниқланди.

Тадқиқотлар натижасида, туризм соҳасининг мамлакат ёки маълум бир минтақа буюджети учун даромадлилигини оширишнинг энг муҳим жиҳат-ларидан бири ишлаб чиқиляётган ва шу билан бирга амалга

оширилаётган туристик маршрутларнинг тур давомийлигини ошириш ҳисобланади. Натижада, туристлардан олинаётган даромадлар арифметик прогрессия бўйича барқарор ўсиш тенденциясига, бошқа турдош соҳаларда айланиши яъни мултипликатив самарадорлиги нуқтаи назардан геометрик прогрессия сифатида ошиши мумкин бўлади.

Туристтик маршрут биринчи навбатда туристик ресурсларни ўрганишни талаб қилади. Ҳозирги маълумотлардан маълумки, Ўзбекистоннинг 70 % ҳудудларини чўл ва адир минтақаси эгаллайди ва бу минтақаларда ҳозиргача 55 та туристик ресурслар рўйхатга олинган. Ушбу туристик объектларда туристик оқим фақатгина туристик маршрутлар яратилгандан кейингина кўпаяди.

Ўзбекистоннинг катта туристик ресурслар салоҳиятидан фойдаланадиган туристик фаолият субъектлари асосан бугунги кунда туристик марказлар сифатида эътироф этилаётган Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида жойлашганлигини кўришимиз мумкин. Улар томонидан ишлаб чиқиладиган туристик маршрутларда мавжуд туристик ресурсларнинг 3/1 қисмидангина фойдаланилиб келинмоқда холос.

Шундай экан, ушбу ҳудудларга ишлаб чиқиладиган маршрутларни кўпайтириш, мавжуд салоҳиятдан туристик маршрутлар ишлаб чиқишда максимал даражада фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш, туристик ресурсларнинг жозибдорлигини ошириш каби ишлар бугунги кунда ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалалар сирасига киради.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, туристик минтақаларида жойлашган туристик ресурсларимиз, бой маданий меросимиз, бир-бирида такрорланмас урф-одатлар ва анъаналаримиздан фойдаланиш орқали жозибдор туристик маҳсулотлар яратиш давр талаби бўлиб бормоқда. Бу каби ишларни амалга ошириш мавжуд туристик

салоҳиятимизнинг халқаро даражада тарғиб қилиниши заруратини келтириб чиқаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зайцева Н.А. Менеджмент в социально-культурном сервисе и туризме: Учебник. - М.: Академия, 2003. – 224 с.

2. Р.Ҳайитбоев, С.А.Ҳайдаров, С.А.Абдухамидов ва б. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси. Ўқув қўлланма. С.: 2016 й.- 179 б.

3. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда туризм” номли статистик тўплам маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган

4. Makhmudova, A. P., & Karimov, A. (2022). Conflict situations in tourism enterprises and ways to solve them. *International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences*, 2(2), 103-106.

5. Abdukhamidov, S., Makhmudova, A., & Mukhamadiev, A. (2022). Development of Tourist Routes and the Formation of Attractive Tourist Products. *Journal of Ethics and Diversity in International Communication*, 2(3), 129-132.

6. Abdukhamidov, S., Makhmudova, A., Mukhamadiev, A., & Karimov, A. (2022). Development of Various Animation Programs for Tourists in Buddhist Monuments and Ways to Implement Them. *International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences*, 2(2), 96-102.

7. Sadibekova, B., Makhmudova, A., Abdukhamidov, S., & Mukhamadiev, A. (2021). The main forms of pilgrimage tourism. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF INNOVATIONS ON TOURISM MANAGEMENT AND FINANCE*, 2(2), 84-88.

8. Sadibekova, B., Saidakhmedova, N., Makhmudova, A., Abdukhamidov, S., & Mukhamadiev, A. (2021). To determine the role and importance of

marketing research in the development of tourist routes. *Middle European Scientific Bulletin*, 8.